

## PROMOTING EQUALITY IN THE FAMILY - STRESS IN ADOLESCENTS PREVENTION FACTOR

Yakhshimbekova Sayora Kamalovna

Chirchik state of Tashkent region

Master of the 1st stage of the Pedagogical Institute

yaxshimbekova79@gmail.com

**Abstract:** This article reveals cultural law and scientific-theoretical bases of equality in the family. Family as a social institute is a fully micro-social system which gives opportunity to make collaboration, to gather requirements and also demands, to get command property and interests, and make relationship among the people. Particularly in the family human recognize the value of himself, meaning of this life and good manners.

**Keywords:** family, social institute, micro-social system, social prefect, being active, in the sphere of law.

## ОИЛАДА ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ - ЎСМИРЛАРДА СТРЕССНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛИ

Яхшимбекова Сайёра Камаловна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат

педагогика институти 1-босқич магистранти

yaxshimbekova79@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақола оилада ҳуқуқий маданият ва тенгликни таъминлашнинг илмий-назарий асосларини очиқ беради. Оила ижтимоий институт сифатида кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги, талаб ҳамда эҳтиёжларнинг биргаликда, ўзаро келишилган ҳолда тузиладиган яхлит микроижтимоий тузилмадир. Айнан оилада инсон ўз қадрини англайди, умр мазмуни ва эзгу хулқ намуналарини эгаллайди.

**Калит сўзлар:** оила, ижтимоий институт, микроижтимоий тузилма, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий фаоллик.

**Аннотация:** Данная статья раскрывает научно-теоретические основы обеспечения правовой культуры и равенства в семье. Семья как социальный институт, созданный на основе микросоциальной системы родственных отношений обобщенности имущества и интересов, требований и подробностей. Именно в семье человек осознаёт свою ценность и овладевает смыслом жизни, образцами примерного поведения.

**Ключевые слова:** семья, социальный институт, микросоциальная система, социальная защита, правовая активность.

Замонавий давлатчилик шароитида ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг илғор йўналишларидан бири бўлган оилада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихига назар солсак, бундан 2700 йил аввал юртимизда яратилган ва Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқининг аجدодлари оилаларида оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солган “Авесто” китобида асосий эътибор никоҳ тузиш зарурати, бола ҳуқуқларининг ҳимояси, никоҳни бекор қилиш шарт-шароитлари ва эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларга қаратилган [1].

Оила ва оилавий муносабатлар масалалари, шу жумладан, оилада ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва янада ошириш масалалари бир неча асрлардан буён буюк мутафаккирлар ва давлат

бошқаруви масалалари билан шуғулланувчи олимлар диққат эътиборини ўзига тортиб келган. Буюк мутафаккирларимиз Абу Наср Форобийнинг “Ақл ҳақидаги рисола”, Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Абу Али Ибн Синонинг “Қуш рисоласи” ва “Ахлоқ ҳақида рисоласи”, Имом Ат-Термизийнинг “Дастур ал-мулк”, Бурхониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” ва Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарларида оила ва оилавий муносабатларда ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича қарашлар ўз аксини топган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб оила институтини ривожлантиришга давлат миқёсида катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил – “Аёллар йили”, 2001 йил “Оналар ва болалар” йили ва 2012 йил – “Мустақкам оила йили” деб эълон қилинди.

Оила ва оилавий тарбия муносабатлари фақатгина бир йўналишдаги тадқиқотлар орқали ҳал этиладиган масала бўлмасдан, у давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органлари, илмий муассасалар, жамоатчилик ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси билан узвий боғлиқдир.

Япония ва Малайзия каби давлатларда ҳуқуқий маданият ўқувчиларга мактаб давриданок сингдириб борилади. Мамлакат ёшлари учун парламент биноси олдиға келиб таъзим қилиш – одатий ҳолға айланган. Ушбу анъана нафақат парламент ва қонунларға ҳурмат, балки мамлакатда қонун чиқарувчи органларға бўлган ишонч ва эҳтиромдан ҳам далолатдир.

Шариат қонунларида диний, маънавий, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, кишиларнинг оила, жамоат жойларидаги юриш-туриш қоидалари, эр-хотин, ота-она билан болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабат, бола тарбияси каби соҳаларда оила аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгилаб берилган. Шунингдек, шариатда никоҳ муқаддас, оила эса бузилмас, деб эътироф этилади.

Ислом ҳуқуқининг оила ва оилавий муносабатларға бағишланган нормаларида “заиф” жинс вакили бўлган аёллар масаласининг умумижтимоий жиҳатлари, ижтимоий-тарихий негизлари ва маданий-маънавий хусусиятлари белгиланган. Шунингдек, аёллар масаласини ҳал этишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хослигини белгилашға алоҳида эътибор қаратилган.

Ислом ҳуқуқида аёлға унинг жинсига, биологик тузилишиға қараб ҳақ-ҳуқуқ берилган, шу билан бирға вазифалар ҳам тайинланган. Унга кўра, аёл оила ҳаётининг барча жабҳаларида: илм олишда, меҳнат қилишда, жамият тараққиётида қатнашишда, мол-мулкка эгалик қилишда эркак билан тенг ҳуқуқли бўлган.

Шулар асосида, оила ҳуқуқларига доир ислом ҳуқуқидаги назарий муаммоларни таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ислом ҳуқуқида аёл ҳуқуқларига ёндашишда оила мустақкамлигининг ўзига хос воситаси сифатида қаралган [2].

Ўзбекистонда оила аъзоларнинг аксарият ҳуқуқлари бир вақтнинг ўзида уларнинг оилавий мажбуриятлари сифатида ҳам намоён бўлади (энг аввало оила аъзолари ўртасидаги шахсий ҳуқуқий муносабатлар доираси назарда тутилмоқда). Масалан, ота-оналар ўзларининг балоғатға етмаган болаларини фақат тарбия қилиш ҳуқуқиға эға бўлибгина қолмасдан, балки уларни тарбия қилишға мажбурдирлар [3].

Хулоса қилиб айтганда, оиладаги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим хусусиятлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- а) юксак ҳуқуқий онг;
- б) мамлакатнинг амалдаги қонунларини билиш;
- в) қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг зарурлиги, фойдалилиги ва мақсадға мувофиқлигиға ишонч ҳосил қилиш;
- г) ўз ҳуқуқлари ва бурчлари, эркинликлари ва жавобгарлиги, жамиятдаги ўз ҳолати (мақоми), бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар меъёрларини тўғри тушуниш (англаш);
- д) ҳуқуқий фаоллик, яъни субъектнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасидаги изчил ихтиёрий фаолияти;
- е) ҳар қандай ҳуқуқ бузилиш ҳолатиға қарши қурашиш, жамиятда ҳуқуқ-тартибот ва қонунға бўйсуннишни қувватлаш ва бошқалар.

Ўзбекистонда бунинг учун барча тарихий-илмий ва диний асослар етарли ҳисобланади. Бундай шароитда, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш ва оилада ҳуқуқий муносабатни мувозанатлаб туришда аёлниги ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда уларни турли зўравонликлар ва жиноятлардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш лозимдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик/ Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: 2001; Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари/ Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: 2001.
2. “Аъроф” сураси. 189-оят.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64 ва 66-моддалари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.